

МИССИОНЕРЛИК: МОҲИЯТ, МАҚСАДЛАР, ОҚИБАТЛАР ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

ДИН (арабча – ишонч, ишонмок) – борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудотга, яъни худога нисбатан муносабат, тасаввур, урфодат ва маросимлар мажмуидир. Ҳар бир конкрет дин ўзига хос сифиниш объекти ва расм-русум, ибодат, урфодат ва ақидаларга эга.

Ибтидоий
эътиқод
шакллари

Динлар

Миллий
динлар

Жаҳон
динла
р

Диний конфессия (лотинча-

“confessio” - “эътиқод қилиш”) деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради. Мутахассислар ҳозири кунда дунёда тахминан **1000** дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайдилар.

Конфуцийли
к

Даопарастлик

Хитой
миллий
динлари

Яхудийлик

Миллий динлардаги конфессиялар

Сикхийлик


Жайнийлик

Хиндуийлик

Вайшнийлик

Кришнаийлик

Шивапарастли
к



Хинаяна

Буддавийликдаги конфесиялар

Махаяна

Тантризм

Ламаизм

Аум
Синрикъё



КАТОЛИКЛИК

Христианликдаги
конфессиялар

ПРАВОСЛАВЛИК

ПРОТЕСТАНТЛИК



Жаҳон динлариға эътиқод қилувчилар сони

Христианлик
2 миллиард

Ислом
1,5 миллиард

Буддавийлик
500 миллион

Хиндуийлик
800 миллион

Жайниййлик
1,5 миллион

**Айрим миллий
динларга эътиқод
қилувчилар сони**

Сикхийлик
17 миллион

Яхудийлик
15 мил

Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган грухлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган тахминан **5000** секта фаолият кўрсатмоқда.

Диний секталар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун қуидагиларга алоҳида эътибор билин қарайдилар

- инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилишидан фойдаланадилар
- аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланадилар
- охиратнинг яқинлиги билан қўрқитадилар
- асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичida иш олиб боришга интиладилар
- яширин фаолият олиб борадилар
- секта ичida бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигини қаттиқ назорат қиладилар

Мавжуд диний таълимотлар,
улардаги муайян қоидаларни
давр талабига мослаштириш,
бошқача айтганда,
модернизация қилиш
жараёни давом этмоқда

Шаклланган динлар
доирасида муайян ўзига
хосликларга эга бўлган янги
оқим ва секталарнинг пайдо
бўлиши давом этмоқда

Дунёning диний манзарасида содир бўлаётган ўзгаришлар

Мавжуд динларнинг
тарқалиш ҳудудида жиддий
ўзгаришлар содир бўлмоқда

Аҳолиси
равишда буддавийлик ва
исломга эътиқод қилиб
келган улкаларда
христианликни ёйишга
интилиш кузатилмоқда

2009 йилнинг 1 январи ҳолатига кўра Ўзбекистонда фаолият
кўрсатаётан ноисломий диний конфессияларга мансуб ташкилотлар
сони – жами 179

Православлик – 36 та

Католиклик – 5

Евангел-лютеранлар черкови – 4

Еттинчи кун адвентистлари – 11

Тўлиқ инжил христианлари – 18

Баптистлар – 24

Новоапостол черкови – 4

Яхудийлик – 7

Арман апостоллик черкови – 2

Буддавийлик – 1

Корейс протестантлари – 48

Баҳоийлик – 6

Иегово шоҳидлари – 1

Голос Божий – 1

Халқаро Кришнани англаш
жамияти – 1

Дунё бүйича айрим ноисломий диний конфессияларга эътиқод қилувчилар сони (**миллион**)

Католиклик -
1,057

Православли
к - **215**

Протестантл
ик - **342**

Тўлиқ инжил
христианлар
и - **120**

Еттинчи кун
адвентистла
ри – **16**

Новоапосто
л черкови -
9

Яҳудийлик -
15


Баҳоийлик -
6

Миссионерликнинг мазмун – моҳияти

Миссионерлик - бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш.

Прозелитизм - бу тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кешишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш.

Замонавий миссионерликнинг умумий хусусиятлари



Конкрет мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиш



Халқаро нодавлат ташкилотлари мақомида фаолият юритиш



Миссионерлик - ўзига хос бизнес, шахсий бойиш манбай



Миссионерлик - давлатлар ва сиёсий кучларнинг геосиёсий режаларига хизмат қиладиган сиёсий қурол

Халқаро христиан миссиялари

Диний миссия - христианликни бoshقا диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш ҳамда миссионерлар қароргоҳи ҳудудида жойлашган черков, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат ёки уларнинг барчасининг мажмуи.

Бугунги кунда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миссионерликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўплаб халқаро христиан миссиялари фаолият олиб бормоқда.

Замонавий халқаро миссиялар фаолиятининг босқичлари


1. Черковларга миссиялар ва уларнинг мақсадлари ҳақида маълумот бериш.
 2. Номзодларни аниклаш.
 3. Номзодларни танлаш.
 4. Миссионерлик мактаблари.
 5. Лойихалар ва миссионерларни жўнатиш.



“Иегово шоҳидлари” миссионерликка катта эътибор беради. Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб, асосан **уйма-уй юриш** ва **адабиётлар тарқатиш** билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қиласди. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда **иеговочи миссионерларнинг сони 700 мингдан ортиқ** кишини ташкил этади. Жамоа раҳбарияти томонидан миссионерларни тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилади. АҚШ нинг Нью-Йорк шаҳрида, жамоанинг бош офиси билан бир жойда “Галаад” номли миссионерлар тайёрлаш маркази мавжуд. Ушбу марказда ташкил этилган 5 ойлик курсларда бутун дунёдан келган миссионерлар таҳсил олишади.

Ҳозирги кунда “Иегово шоҳидлари” **230** дан ортиқ мамлакатда фаолият олиб боради ва дунё бўйича **111** та мінтақавий ваколатхоналарга эга.


Иеговочилар миссионерлик фаолиятининг босқичлари



ўз қарашларига заррача бўлса ҳам қизиқиш билдирган одамларни қидириб топиш ва сўнг уларни таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;



даъват қилинаётган одамнинг онгига “Библия” курслари ва унинг матнини ўрганиш орқали диний таълимотни сингдириш;



прозелитларни сув билан чўқинтириш;



уларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш.

Иеговочиликнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, унда ҳар бир аъзо миссионерлик фаолиятида қатнашиши шарт. Жумладан, жамоа раҳбарияти томонидан ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача миссионерлик фаолиятига сарфлашлари талаб қилинади. Жамоа аъзолари қанча кўп вақтларини миссионерликка сарфлаганларига қараб ташкилот иерархиясида кўтарилиб боради.

Маълумотларга кўра, “Иегово шоҳидлари” миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига **100 миллион АҚШ** долларига яқин маблағ сарфлайдилар.

Баҳоийлар миссионерлигининг ўзига хос хусусиятлари

Ёшлар ўртасида ўз ғояларини ёйишга интилиш

Ўз таълимотлари тақдимоти кунларини ўтказиш


Уйма-уй юриб тарғибот олиб бориш

Ўз сухбатларида “Аллоҳ”, “Алҳамдуиллаҳ”, “Бисмиллоҳир-раҳмонир-роҳим” каби исломий тушунчаларни тез-тез ишлатиш

Ислом динида тан олинган Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлар уларнинг таълимотида ҳам тан олиниши таъкидлаш

“Қуръон” улар учун ҳам муқаддас манба ҳисобланишини бот-бот тақрорлаш

Миссионерликда фаолият олиб бориладиган ҳудудларга хос хусусиятлар инобатга олинади



- миссионерлар учун маҳсус рисола ва қўлланмалар ишлаб чиқилади



- мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади



- аҳолининг диний қараашлари эътиборга олинади



- турмуш тарзи ўрганилади



- миссионерлик фаолиятини олиб боришда эътибор берилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида батафсил маълумотлар шакллантирилади



- “Инжил”нинг шу мамлакат тили (тиллари) га таржимаси амалга оширилади,



- мамлакатга хос хусусиятлардан келиб чиқиб, миссионерлар тайёрланади

**Дунё халқларини инжиллаштириш бўйича
мавжуд режаларнинг мазмун-моҳияти (2000
йилга бўлган кўрсаткичлар ва христианлик
2025 йилгача эришиши лозим бўлган сифатий
ҳолатнинг қиёсий таҳлили)**

Ер юзи аҳолисининг
“Инжил” билан
таништирилиши 73,1
фоиздан 100 фоизга
етказилиши

Дунё аҳолиси таркибидаги
христианларнинг улуши
33 фоиздан 40 фоизга
ўсиши

Христианларнинг 10
фоизини ташкил қилган
миссионерларнинг улуши
20 фоизга кўтарилиши

Христианлар ўз
даромадларининг 1,8
фоизини черков ҳисобига
ўтказиб келишган бўлишса,
бу кўрсаткич 3 фоизга
етказилиши

Ҳар 3000 кишига 1 та
миссионер тўғри келган
бўлса, бу кўрсаткич ҳар 1000
кишига 1 та миссионерни
ташкил этиши

Черков мавжуд бўлмаган,
аҳолиси 50 000 дан ортиқ
116 та шаҳарнинг
барчасида черковлар юзага
келиши

Черковлар тузилмаган 1000
дан ортиқ этник гуруҳнинг
ҳар бирида черковлар
ташкил этилиши

Ё умуман таржима
қилинмаган, ёки қисман
таржима қилинган барча
тилларга “Инжил” таржима
қилиниши

Черков аъзоларининг ўз ойлик даромадларининг муайян қисмини черков ҳисобига ўтказиши

Хайр-эҳсон қилишнинг рағбатлантирилиши

Миссионерлик фаолиятининг молиявий манбалари

Черковнинг ишончли ва садоқатли вакиллари орқали турли цехлар, фирмалар ва босмахоналарга эгалик қилиш

Хорижлик ҳомийларнинг молиявий ёрдами

Миссионерлик
услублари ва
воситалари

Тиббий соҳа имкониятларидан фойдаланган ҳолда миссионерлик амалиётини ташкил этишда эътибор бериладиган жиҳатлар

- ибодатга келувчиларнинг ахборотларига таянган ҳолда конкрет-адресли ёндашув асосида касалларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга доридармонларни харид қилишда кўмаклашиш;
- наркоманларни даволаш билан шуғулланиш;
- Халқаро ногиронлар куни муносабати билан қулоги паст эшитадиган фуқароларга қулоқ учун мўлжалланган овоз кучайтиргич аппаратлари ва ўзи юролмайдиган ногиронлар учун аравачалар харид қилиш ҳамда ногиронлар уйларига турли, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари шаклида ёрдам кўрсатиш;
- шифохоналарга ҳомийлик қилиш, уларга чойшаблар, ёстиқ жилдлари, тиббий ходимлар кийимлари каби зарур нарсаларни етказиб бериш;
- алкоголик, наркоман ва собиқ маҳбусларни “мехнат тарбияси” ва “Хушхабар”ни англатиш ва йўли билан “даволаш” ва “соғлом турмуш тарзига қайтариш”;
- иглотерапия ва массаж йўли билан bemорларни даволаш

Тиббиёт соҳасидаги миссионерликнинг афзалликлари

прозелит врач бемор билан
бевосита, аксарият
ҳолларда бегоналарнинг
иштирокисиз мулоқот қила
олади

бундай шаклдаги
миссионерлик ташқи
кузатув ва назоратдан
холи бўлади

ноқонуний фаолиятнинг
фош бўлиш эҳтимоли
кескин даражада пасаяди

кўпгина ҳолларда врачнинг
мунтазам назорати остида
даволанишга эҳтиёжнинг
мавжуд бўлиши “ўлжа” -
беморни муайян вақт давомида
психологик таъсир доирасида
ушлаб туриш имконини беради

бемор одамнинг ташқи
таъсирга мойиллиги, ширин
ва юпатувчи сўзга, оддий
инсоний қўллаб-қувватлашга
ташналик қўл келади

беморни даволашнинг
муваффақиятли кечиши
миссионерлик тарғиботининг
самарадорлигини оширишга
хизмат қилади

миссионерлик тарғиботини
босқичма-босқич амалга
oshiриш имконияти мавжуд
бўлади

Кўзи ожизларнинг
жамиятлари

Меҳрибонлик уйлари

Хайрия ёрдамлари
кўrsатиш орқали
миссионерлик
объектларининг
танланиши

Қариялар уйлари

Ёрдамга муҳтоj оилалар

Хайрия ёрдамлари күрсатиш шакллари

- - озиқ-овқат пакетлари тарқатиш;
- - мұхтож беморларга дори-дармонни харид қилишда құмаклашиш;
- - мұхтож кексаларни овқатлантириш;
- - янги ёки черков аъзолари фойдаланған, аммо уларға керак бўлмай қолган кийим-бошлар, пойафзалларни мұхтожларга тарқатиш
- - ҳафтанинг муайян, аксарият ҳолларда пайшанба ва якшанба кунлари хайрия тушликлари ташкил этиш

Миссионерларнинг таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор беришларининг сабаблари

Замонавий миссионерлар турли соҳаларда узвий бирлиқда, тизимли ва тадрижий иш олиб борилгандагина кишилар онги ва қалбини эгаллаш мумкинлигини яхши тушунишади. Зеро, ҳар бир соҳа кишилар онига таъсир ўтказишнинг ўзига хос ва бетакрор усулларига эга. Айни пайтда, тизимли иш олиб борилганда бу усуллар ва ўзига хосликлар бир-бирини тўлдиради ҳамда инсонни бутун ҳаёти давомида мунтазам таъсир остида сақлаш имконини беради.

Миссионерлар таълим тизимида ўз фаолиятини амалга оширишда алоҳида эътибор берадиган жиҳатлар

- - мактабга янги ўқув йилига тайёргарлик қўриш учун таъмирлаш материаллари олиб берилади;
- - ибодатга қатнайдиганларнинг бевосита таъмир ишларида қатнашиши таъминланади;
- - ибодатга келувчиларнинг ахборотларига таяниб, конкрет-адресли ёндашув асосида янги ўқув йили арафасида муҳтоҷ оиласарнинг 1-синфга борадиган болаларига дафтар, қалам ва бошқа канцелярия моллари олиб берилади;
- - “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига болалар кийим-бошлари ва ўйинчоқлар совға қилинади;
- - тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун шу йўналишдаги ихтисослашган боғчалар очиш орқали ҳам ёшлар орасида тегишли тарғибот ташкил этилади

Миссионерлик: такомиллашув йўлида

Олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чоралар миссионерларнинг кўплаб фош бўлишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида уларни янгидан-янги йўлларни қидиришга, ўз фаолиятларини вазиятга мослашган ҳолда такомиллаштириб боришга мажбур этмоқда.

Миссионерликдаги янги тенденциялар

- ҳокимият вакиллари диққатини ортиқча жалб қиласлик ва шубҳа уйғонишининг олдини олиш мақсадида жамоа бўлиб тўпланишни камайтириш;
- "халқа-халқа" бўлиб фаолият кўрсатиш;
- навбат билан оқим тарафдорларининг уйларида, унда ҳам "кичик халқалар" доирасида йиғилиб туриш;
- ибодатга қатнайдиган маҳаллий миллатлар вакилларининг ҳақиқий сонини ошкор этмаслик мақсадида махфий йиғилишлар ўтказиш;
- масофанинг узоқлиги туфайли черковга қатнайдиганларга енгиллик яратиш, уларни ортиқча транспорт харажатларидан озод қилиш байроғи остида ибодатларни фуқаролар хонадонларида ўтказиш;
- ўз тарафдорларини саёҳатчилар байроғи остида тўплаш, экскурсияларга олиб чиқиш ва ўша ерда ўз йиғилишларини ўтказишга интилиш;
- тарғибот ишларида расмий фаолият кўрсатишга рухсат этилмаётганига алоҳида урғу бериш, ўзларини жабрдийдалар сифатида кўрсатишга уриниш;
- миссионерликнинг олдини олишга қаратилган ишлар тизимли олиб борилаётган бир пайтда фаолиятни вилоят ва туман марказларидан узокроқ жойларда амалга ошириш;
- "тарғибот рейдлари" уюштириш.

Болалар орасида миссионерликни амалга оширишда эътибор бериладиган жиҳатлар

Болалар учун ёзги
оромгоҳлар ташкил этиш

Ёзги таътил даврида
болаларни дам олиш
жойларига қисқа муддатга
олиб чиқиш

Черков ҳудудида бир неча
сменали, камида 2 маҳал
овқат бериладиган
кундузги дам олиш
лагерлари ташкил этиш

Черковга ибодатга
келадиганлар орқали
муҳтож оиласлар
болаларига лагерларга
бепул йўлланма бериш

Болалар учун қадимий
жойларга экскурсиялар
ташкил этиш

1-июнь – Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш кунида болалар
учун истироҳат боғларида
максус дам олиш
дастурларини ташкил этиш

Муҳтож оиласлар
фарзандларига “хайрия”
ёрдами кўрсатиш, турли
тансиқ ширинликларни ўз
ичига олган озиқ-овқат
пакетлари ва ўйинчоқлар
тарқатиш

Муайян тайёргарликдан
ўтган болаларни
масиҳийликка даъват
қилувчи турли
адабиётларни тарқатишда
фаол фойдаланиш

Черковларда болалар учун
мўлжалланган «якшанба»
мактаблари ташкил этиш

Миссионерлар ёшларга алоҳида эътибор бермоқдалар

Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва тазиикларнинг бош обьектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез бериувчан ва, айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

“Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман”,-деб ёзган эди инглиз сиёсий арбоби Эдмунд Берк. Шу нуқтаи назардан қараганда, миссионерларнинг жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганини қайд этиш лозим.

Қайд этилган мулоҳазалар нега ёшлар миссионерлик фаолиятининг асосий обьектига айланганини муайян даражада тушуниш имконини беради. Миссионерликнинг таниқли назариётчиси П.Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий обьекти деб қараб, ўзининг “Дунё операцияси” китобида жумладан, шундай ёзди: **“Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади”**.

“Зарғалдоқ” инқилоблар, турли диний экстремистик ҳаракатлар, террорчилик хуружларининг асосий иштироқчилари ёшлар экани эса юқоридаги каби эътиқодий ва ғоявий таъсир ва тазииклар қандай оқибатларга олиб келишини, ўсиб келаётган авлодга хос фаоллик ва социал энергиядан ғайриинсоний мақсадлар йўлида нечоғлик усталик билан фойдаланиш мумкинлигини яққол намойиш этади.

Миссионерларнинг аёллар орасида иш олиб боришга алоҳида эътибор беришларининг асосий сабаблари

- аёллар ўз табиатига кўра, ишонувчан ҳисобланадилар;
- ташқи таъсирга мойил бўладилар;
- ҳаётда сабр-бардошли ва фидоий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий-руҳий кўмакка, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадилар;
- прозелит аёлни тарбиялаш у орқали миллат ва мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар тарбиясига таъсир ўтказиш имконини беради.

Миссионерларнинг мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларига мослашиши

- муҳтоҷ оилаларни қорамол билан таъминлашга “ўз улушларини қўшишга” интилиш;
- муҳтоҷ оилалар болаларининг суннат тўйларини ўтказишда ёрдам беришга ҳаракат қилиш;
- “Наврӯз” байрамида байрам дастурхонини ташкил қилиш, унда “ўз улушлари” билан иштирок этиш;
- “Наврӯз” байрами мунасабати билан муайян миқдордаги ун ва гуручни ўз ичига олган озиқ-овқат пакетларини уйма-уй юриб тарқатиш ёки уни харид қилиш учун муайян миқдордаги нақд пул маблағларини таклиф этиш;
- “Хотира ва қадрлаш куни”да уруш қатнашчилари учун ташкил этиладиган оммавий маданий-маърифий тадбирларнинг “ҳомий”ларидан бири сифатида иштирок этиш;
- “Хотира ва қадрлаш куни”да очиқ эшиклар кунини эълон илиб, ош дамлаш ва кишиларни черковга оммавий жалб қилишга уриниш

**Миссионерликнинг олдини
олишнинг ҳуқуқий асослари**

Виждон эркинлиги – фуқароларниң ҳар
қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга
эътиқод қилмаслик билан боғлиқ конституциявий
хуқуқидир. У инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг
ажралмас қисми ҳисобланади. Конституциямизда
инсоннинг бундай ҳуқуқ ва эркинликларини
таъминлаш билан боғлиқ бир қатор қоидалар
мустаҳкамлаб қўйилган. Барча фуқароларниң бир
хил ҳуқуқ ва эркинликларга, жумладан, эътиқод
эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, дини ва эътиқодидан
қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳақидаги қоида
уларниң асосини ташкил этади.

Қайд этилган тамойилларнинг мантиқий давоми сифатида Конституциямизнинг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, - деган қоида мустаҳкамлаб қўйилганини ҳам таъкидлаш зарур.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”га биноан куйидаги ҳаркатлар белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдоридаги жарима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади

- диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш;
- диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;
- Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш;
- нолегал диний фаолият билан шуғуланиш;
- диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;
- диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;
- маҳсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”да “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”да назарда тутилмаган бир қатор ҳаракатлар учун ҳам жазолар белгиланган

- вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш;
- - вояга етмаган болаларни уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш;
- -диндорлардан мажбурий йигим ундириш ва солиқ олиш;
- -диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
- -ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;
- - ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашиш

ЭЪТИБОРИНГИЗ

УЧУН РАҲМАТ